ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРАЛИЕВ САИДОЛИМ УМАРАЛИ ЎҒЛИ

РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА СУЯК ВА ТОҒАЙ ТЎҚИМА МЕТАБОЛИЗМИ МАРКЕРЛАРИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

УЎК: 616.72-002.77:616.71/.72-008.9-07

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хайдаралиев Саидолим Умарали ўғли
Ревматоид артрит билан оғриган беморларда
суяк ва тоғай тўқима метаболизми маркерларининг
клиник ва диагностик аҳамияти..... 3

Хайдаралиев Саидолим Умарали угли
Клинико-диагностическое значение маркеров
метаболизма костной и хрящевой ткани у болных
ревматоидным артритом..... 21

Khaydaraliyev Saidolim Umarali ugli
The Clinical and Diagnostic Significance of Bone
and Cartilage Tissue Metabolism Markers in Patients
with Rheumatoid Arthritis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРАЛИЕВ САИДОЛИМ УМАРАЛИ ЎҒЛИ

РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА СУЯК ВА ТОҒАЙ ТЎҚИМА МЕТАБОЛИЗМИ МАРКЕРЛАРИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2024.4.PhD/Tib5117 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Эшмурзаева Аида Абдиганийевна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ахмедов Халмурад Саъдуллаевич** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Юлдашева Гулчехра Рустамовна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «____»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150–78–25, e-mail: info@tashmeduni.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150–78–14).

Диссертация автореферати 2026 йил «____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «____» _____ даги _____рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруряти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳозирги кунда дунё аҳолисининг қарийб 18 миллионида ревматоид артрит (РА) ташхиси тасдиқланган ва ўртача 0,5-1% ини ташкил қилади. У бўғимларни шикастлаш бўйича барча ревматологик касалликлар орасида биринчи ўринни банд қилмоқда. Касаллик аутоиммун яллиғланиш билан кечиб, баъзида тизимли ўзгаришлар билан кузатилади ва барча аъзо-тўқималарга зарар етказиб, уларнинг фаолиятини бузади. Касалликнинг тизимли кечиши 100000 минг аҳоли сонига 8-13 ҳолатларда аниқланади. РА нинг дунё бўйича тарқалишига эътибор қаратсак Европа ва Шимолий Америкада 0,6-1% атрофида, Осиё ва Африка минтақаларида нисбатан камроқ 0,1- 0,3% ҳолатларда кузатилади. Касалланиш ўрта ёшли аҳоли қатлами орасида кўп учраса ҳам, бироқ барча ёш тоифасида аниқланади. У аҳолининг ногиронликка ва меҳнатга лаёқатсизлигига олиб келувчи асосий касалликлардан бири саналиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги ижтимоий ва тиббий муаммо ҳисобланади. РА да ягона этиологик омил аниқланмаганлиги ва унинг тизимли кечиши сабабли, касалликни эрта аниқлаш ва даволашда бир қатор муаммолар мавжуд. Айниқса у юқори фаолликда кечганда бўғимлар зарарланиши ҳисобига суяк ва тоғай тўқималарида деструктив ўзгаришлар эрта бошланади. Шунинг учун сўнги йилларда касалликни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олишда кўплаб янги лаборатор ва асбобий текширувлар аниқланмоқда. РА касаллиги потогенезида тизимли яллиғланиш маркерлари: интерлейкинлар (ИЛ), ўсма некрози омили (ЎНО), Toll like рецепторларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Шулар қаторига ўткир яллиғланиш маркери калпротектинни ҳам киритиш мумкин. Калпротектин экспрессияси касалликнинг фаоллик даражасини белгилашда ва кечишини баҳолашда хизмат қилади. Калпротектин РАнинг яллиғланиш жараёнини акс эттириб, беморлардаги клиник-лаборатор ўзгаришлар билан мос келади. Ушбу маркердан касалликнинг фаоллик даражасини аниқлашда, унинг асоратларини олдини олишда қўшимча меъзон сифатида фойдаланиш мумкин.

Бутун дунёда ревматоид артритда тизимли яллиғланиш маркерларининг ҳолати ва оғирлик даражаси билан боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ИЛ ва ўсма некроз омили -α, шунингдек, сўнгги йилларда калпротектин РА патогенизида муҳим рол ўйнаши ҳақидаги маълумотлар кўпаймоқда. Калпротектин яллиғланиш жараёнларини рағбатлантирувчи омил сифатида баҳоланиб, микраорганизмларга қарши хемотоксис хусусиятига эга. Унинг экспрессия даражаси касаллик фаоллигини белгилашда ва унинг кечишини башорат қилишда қўлланилади. Ушбу биомаркерлар ревматоид артритда сурункали иммун яллиғланиш жараёнларини акс эттириб, беморларда клиник ва лаборатор кўрсаткичлар билан узвий боғлиқ. Тизимли яллиғланиш биомаркерлари даражасининг ошиши артритнинг фаоллиги, бўғим ва ундан ташқари шикастланиш кўлами билан чамбарчас алоқадор бўлиб, улар ревматоид артритни ташхислаш ва

оқибатини яхшилашда қўшимча меъзон сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли, калпротектин, α-ЎНО ва ишқорий фосфотаза (остаза) каби биомаркерларини ўрганиш амалий тиббиётнинг долзарб хамда устувор йўналлишларидан бири ҳисобланади.

Республикамизнинг соғлиқни сақлаш тизими олдида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жумладан, кўрсатилаётган хизматларни халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган қатор устувор вазифалар турибди. Кенг кўламли комплекс тадбир мамлакатимизда кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббий-ижтимоий хизматларнинг универсаллиги ва оммабоплигини таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш вазифаларини ҳал этиш мақсадида ўтказилмоқда. Шу билан бирга, тиббиёт ходимлари томонидан ревматологик беморларга сифатли ёрдам кўрсатишни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ 60-сон “2022-2026- йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2021-йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ -215-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тоғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Ушбу тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишиниг “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мос бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. РА бизга тарихдан маълум бўлган касаллик ҳисобланади. Унинг этиологияси, кечиши, турли шакллари ҳақида кўплаб илмий изланишлар мавжуд. РА нинг тизимли ўзгаришлар билан кечиши касалликнинг клиник белгиларини кучайтириб, оқибатларини ёмонлаштиради. Ушбу йўналишда дунёнинг бир нечта нуфузли илмий тадқиқот марказлари ва институтларида ўрганилган. Қуйида РАни ўрганган ва касалликнинг кечишини таҳлил қилган олимларни келтирамиз: Қўшма Штатлар олимлари Э. Миничиелло, Л Семерано, М.С. Боиссиер лар Medline ва EMBACE маълумотлар базаларида мавжуд бўлган эпдемилологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали РАнинг дунё миқёсида глобал тарқалиш даражаларини ўрганган. Шветсияда С. Бернатскй, Д. Фелдман ва М. Де Сивита каби олимлар томонидан аҳоли орасида РА касаллигининг умумий тарқалиши ўрганилган. Рассия Федератсиясида фаолият юритган О.М.Фоломейева, Й.А.Галушко, Ш.Ф. Эрдеслар эса касаллигининг мамлакат бўлаб клинико-эпидемиологик ҳолатини ўрганган. Шунингдек, И. Рудан, С.

Сидҳу ва Папана ларнинг ишлари ҳам РА нинг дунё бўйлаб эпидемиологиясига бағишланган.

РАда касалликнинг фаоллик даражаси ва калпротектиннинг миқдорий боғлиқлик коррелятцияси А.А.Королкова ва унинг ҳаммуаллифлари (2022) томонидан ўрганилган. Тадқиқот давомида калпротектиннинг ЭЧТ, СРО ва компазитлар индексининг бўғимлар домени билан боғлиқлик даражалари ўрганилган. Абилдтруп М., Кингслей Г.Ҳ. ва бошқалар (2015) томонидан РА касаллигида калпротектинни янги биомаркер сифатида тарифлаб, унга шарҳ берган ва унинг касаллик прогнозидаги устунликлари келтирилган. Беа С.С., Лее Й.Ҳ. (2017) лар томонидан Калпротектиннинг даражаси ва РА касаллиги фаоллиги баҳолашдаги аҳамияти тоғрисида мета анализ ўтказилган. Жарлборг М ва ҳаммуаллифлари(2020) томонидан ўтказилган тадқиқотда калпротектиннинг РА ва аксиал спондилоартритни касаллик фаоллигини аниқлаш учун истиқболли биомаркер сифатида баҳолаган.

РА касаллигининг бўғимдан ташқари тизимли кечиши, жумладан ўпка, юрак ва қон яратиш тизимларига таъсири кўплаб марказларда ўрганилган. Ж.А. Гилберт, М.Ж.Бласер, Ж.Г. Сапорасо, Ж.К. Жанссон, С.В. Люнч ва Р. Книгҳт (2018) томонидан ревматологик касалликларда жигар функсиясининг камайиши, микробиота билан иммун дисфункция ҳамда яллиғланишнинг таъсири ўрганилган.

Л.П Эспиноза ва унинг ҳаммуаллифлари(2020й) эса РА нинг Европа аҳолисида, айниқса ёш ва меҳнатга яроқли қатлам вакиллари орасида кўпайиб бораётганлигини қайд этган. Ўзбекистон Республикасида олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат бердики, РА билан касалланган беморлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз олимлари аҳоли орасида ревматологик касалликлар билан оғриган беморларда РА нинг сурункали кечиши ва тизимли ўзгаришлар орасидаги боғлиқликларни чуқур ўрганиб, клиник жиҳатдан муҳим бўлган бир қатор қонуниятларни аниқлаганлар (Каримов М.Ш., Ахмедов Х.С., Эшмурзаева А.А., Тўхтаева Н.Х. Шукурова Ф.Н., Мирзаева Ш.Х.). Уларда РА кечиши, бириктирувчи тўқима деструксияси биомаркерларининг ортиши ва жигар функсиясининг бузулиши билан ўртасидаги боғлиқлиги кўрсатилган. Шу ўринда мамлакатимизда РА касаллигининг потогенезида иммун- яллиғланиш биомаркерларининг, жумладан қон зардобидаги калпротектиннинг аҳамияти ортиб, бу соҳада илмий тадқиқот ишлари фаол олиб борилмоқда. Олиб борилган илмий тадқиқот иши давомида калпротектиннинг қон зардобидаги миқдори касаллик кечишида ва унинг фаоллик даражаси билан ўзаро кучли боғланганлигини кўришимиз мумкин бўлди. Калпротектиннинг РА касаллиги ва унинг асоратларидаги амалий аҳамияти тўлиқ ўрганилмаган, бу соҳадаги янги тадқиқотлар касалликнинг эрта белгилари ва асоратларининг юзага келишида янги маълумотлар олишга замин яратади.

Диссертация мавзусининг бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий- тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат тиббиёт университети 011800229 - сонли илмий йўналиши бўйича "Ички касалликларни ташхисоти ва даволаш

самарадорлигини оширишнинг янги йўлларини ишлаб чиқиш. Профилактиканинг оқилона усуллари" мавзуси(2021-2024йй.) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ревматоид артрит билан оғриган беморларда касалликнинг фаоллик даражасини аниқлаш, суяк-тоғай тўқимасидаги деструктив ўзгаришларни башоратлашда тўқима метоболизми маркерларининг аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артритда беморларда клиник-лаборатор кўрсаткичларни ва суяк-тоғай тўқимасининг деструктив ўзгариш хусусиятларини касалликнинг бўғим ва тизимли зарарланишлар билан кечишида умумклиник таҳлил қилиш;

ревматоид артритли беморларнинг қон зардобидан ўткир фазали яллиғланиш маркерлари ва калпротектинни касалликнинг бўғим ва тизимли зарарланишлар билан кечишида, турли фаоллик ҳамда бўғимларнинг деструктив шикастланиш даражалари билан боғлиқлигини ўрганиш;

ревматоид артрит бўғим ва тизимли зарарланишлар билан кечганда ишқорий фосфотаза (суяк изоферменти - остаза) ва рух (Zn) микроелементининг касалликнинг турли фаоллик ва рентгенологик босқичларида суяк-тоғай тўқимаси метаболизмидаги аҳамиятини баҳолаш;

ревматоид артрит касаллиги билан оғриган беморларда суяк ва тоғай тўқимасида содир бўладиган деструктив ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган асоратларни эрта ташхислаш алгаритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Миллий тиббиёт маркази клиникаси Юрак туғма ва орттирилан нуқсонлари ва ревматология бўлимида даволанаётган 92 нафар бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида беморларда обектив кўрик натижалари, лаборатор (калпротектин, остаза, Zn) ва инструментал текширувлар ўрин олган.

Тадқиқот усуллари сифатида умумклиник текширувлар, обектив-визуал аналог шкаласи (ВАШ), DAS 28 индекси (Disease Activity Score 28), шунингдек биокимёвий, иммунологик, инструментал (рентгенография, денситометрия) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотниниг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда калпротектин консентратсиясининг қон зардобида ортиши, касалликнинг фаол кечиши ва авжланиб бориши билан боғлиқлиги аниқланган;

ревматоид артрит кечиши давомида клиник белгиларнинг кучайиши α-ўсма некрози омили (α- ЎНО), СРО, Остаза билан қон зардобидаги калпротектин даражаси ўртасидаги тўғри боғлиқлик аниқланган;

ревматоид артритда тизимли яллиғланиш жараёнларининг авж олиб бориши ва калпротектин даражасининг ўзгариши билан боғлиқлиги касаллик зўрайишининг придиктори сифатидаги ўрни асосланган;

ревматоид артритда калпротектин миқдори ўзгаришига кўра касаллик кечиши, фаолликнинг турғунлиги оқибатида, асоратларнинг ривожланишини башоратлаш меъзонлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида ревматоид артрит билан оғриган беморларда тизимли яллигланиш биомаркерлари ва калпротектин экспрессияси кўрсаткичларини ўрганиш касалликнинг клиник кечиши ва ўз навбатида асоратлар келиб чиқишини башорат қилиш ва уларнинг ўзаро фаоллик даражалари билан боғлиқлигини баҳолаш имконини яратди;

ревматоид артрит билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш биомаркерлари кўрсаткичлари ва зардобдаги калпротектин даражасини баҳолаш натижасида яллиғланиш жараёнларини мониторинг қилиш шу билан бирга самарали назорат қилиш имконини беради;

ревматоид артритнинг бўғим шакли ва тизимли зарарланишлар билан кечишида клиник-биокимёвий кўрсаткичлар билан калпротектин даражаси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш касалликни барвақт аниқлаш ва асоратлар ривожланиш ҳавфини камайтириш имконини беради;

ревматоид артрит билан оғриган беморларни клиник-иммунологик кўрсаткичлари, биокимёвий таҳлиллар натижалари, инструментал текширув маълумотлари интеграция қилинган ҳолатда ташхислаш тамойилларини янада такомиллаштириш, касалликнинг кечишини кузатиш бўйича тавсиялар бериш, бўғимларга боғлиқ ва тизимли зарарланишлар билан кечганда кузатиладиган салбий оқибатларни олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқотда қўлланилган ёндашув,усуллар ва назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услуб жиҳатдан тўғрилиги, қамраб олинган беморлар сонининг етарлилиги, статистик таҳлил усулларининг илмий асосланганлиги, бир-бирини тўлдириб келадиган замонавий клиник, лаборатор-инструментал, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қон зардобидаги тизимли яллиғланиш биомаркерларининг миқдорини ўрганиш, уларнинг РА фаоллигининг кучайишига, беморларнинг функсионал ҳолатининг камайишига салбий таъсирини баҳолаш, унинг янада ривожланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни шакллантириш кераклиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса РА нинг кечиши ва клиник фаоллигига таъсир этиши орқали юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш, ногиронликни камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, даволаш учун сарфланадиган ҳаражатларни тежаш, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган беморларни олиб бориш алгаритми ёрдамида даволаш усулларини муқобиллаштириш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматоид артрит билан оғриган беморларда суяк ва тоғай тўқима метаболизми маркерларининг клиник ва диагностик аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик сифатида: ревматоид артритда калпротектиннинг консентрациясининг қон зардобида ортиши, касалликнинг фаол кечиши ва авжланиб бориши билан боғлиқлиги аниқланганлиги Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонасининг 29.05.2024-йил 27-сонли ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Пискент тумани тиббиёт бирлашмасининг 24.10.2024-йил 3572-10-142-ТБ/2024-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2026 йил 18 сентябрдаги №Х158-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: беморларда РА фаоллик даражасини эрта аниқлаш, ўз навбатида касалликка тўғри ёндашиш имкониятини яратади. Иқтисодий самарадорлик: РА фаоллик даражасини эрта аниқлаш натижасида беморларнинг стационарда бўлиш муддатини қисқартиради, бу эса ташхислашда ва даволашда сарфланадиган маблағларни тежалишига имкон беради. Хулоса: РА касаллиги бор беморларни ҳолатини олдиндан башорат қилиш ва ўз вақтида ташхислаш уларнинг меҳнат қобилиятини, ўз-ўзига ҳизмат кўрсатиш имкониятларини сақлаб қолиш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: ревматоид артрит кечиши давомида клиник белгиларнинг кучайиши α – ўсма некрози омили (α-ЎНО), СРО, Остаза билан қон зардобидаги калпротектин даражаси ўртасидаги тўғри боғлиқлик аниқланганлиги Тошкент шаҳар 3- сон клиник шифохонасининг 29.05.2024-йил 27-сонли ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Пискент тумани тиббиёт бирлашмасининг 24.10.2024-йил 3572-10-142-ТБ/2024-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2026 йил 18 сентябрдаги №Х158-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: РА билан касалланган беморларда иммунологик, клиник, биокимёвий, инструментал тадқиқот натижалари билан исботланган. Иқтисодий самарадорлик: РА да юзага келдиган бўғимлардаги деструктив жараёнларни эрта аниқлаш, уларнинг бошланиш механизмларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали беморларда юзага келадиган асоратларни олдини олиш, беморларнинг шифохоналарда бўлиш муддатини камайтириш, шу натижада сарфланадиган маблағлар тежалишига замин яратади. Хулоса: Ушбу мезонлардан фойдаланиш индивидуаллаштирилган даволаш стратегиясини шакллантириш, касаллик прогрессиясини секинлаштириш, беморларнинг функционал ҳолати ва ҳаёт сифатини сақлаб қолиш, шунингдек узоқ муддатли клиник натижаларни яхшилашга хизмат қилади;

учинчи илмий янгилик: ревматоид артритда тизимли яллиғланиш жараёнларининг авж олиб бориши ва калпротектин даражасининг ўзгариши билан боғлиқлиги касаллик зўрайишининг придиктори сифатидаги ўрни асосланганлиги Тошкент шаҳар 3- сон клиник шифохонасининг 29.05.2024-йил 27- сонли ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Пискент тумани тиббиёт бирлашмасининг 24.10.2024-йил 3572-10-142-ТБ/2024-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2026 йил 18 сентябрдаги №Х158-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: РА билан беморларда иммунологик яллиғланиш кўрсаткичларини аниқлаш орқали касалликнинг кечиши, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларини

башоратлаш имконини беради. Бу иммунологик кўрсаткичлардан амалда фойдаланиш РА нинг тизимли зарарланишлар билан кечувчи шаклларини эрта аниқлаш, клиник ҳолатини кузатиш ҳамда индивидуал терапевтик ёндашувни белгилаш имкониятини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Ревматоид артритда қон зардобидаги калпротектин миқдорини аниқлаш касалликнинг фаоллигини, тизимли яллиғланиш даражасини ҳамда асоратлар ривожланиш хавфини эрта баҳолаш имконини беради. Бу эса юқори хавф гуруҳига мансуб беморларда ўз вақтида мақсадли даволаш чораларини қўллаш, касалликнинг оғир кечиши ва ногиронликка олиб келувчи асоратларнинг олдини олишга хизмат қилади. Хулоса: Қон зардобидаги калпротектин даражасини баҳолаш ревматоид артритда тизимли яллиғланиш фаоллигини акс эттирувчи ишончли биомаркер сифатида касалликнинг кечиши, авжланиш хавфи ва эҳтимолий асоратларини эрта прогноз қилиш имконини беради. Ушбу кўрсаткичдан клиник амалиётда фойдаланиш беморларни динамик кузатиш сифатини ошириш, индивидуал даволаш тактикасини ўз вақтида танлаш, касаллик прогрессиясини секинлаштириш, функционал фаолликни сақлаб қолиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади;

тўртинчи илмий янгилик: ревматоид артритда калпротектин миқдори ўзгаришига кўра касаллик кечиши, фаолликнинг турғунлиги оқибатида асоратларнинг ривожланишини башоратлаш мезонлари асосланганлиги Тошкент шаҳар 3- сон клиник шифохонасининг 29.05.2024-йил 27- сонли ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси Пискент тумани тиббиёт бирлашмасининг 24.10.2024-йил 3572-10-142-ТБ/2024-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2026 йил 18 сентябрдаги №Х158-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: РА билан беморларда касалликнинг фаоллигиниг турғун юқори бўлиши бўғимларнинг шикастланиш даражасини кучайтиришини аниқлаш орқали касалликнинг келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларини башоратлаш имконини беради. Бундан амалда фойдаланиш РА нинг тизимли зарарланишлар билан кечувчи шаклларини эрта аниқлаш, клиник ҳолатини кузатиш ҳамда индивидуал терапевтик ёндашувни белгилаш имкониятини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Ревматоид артритда қон зардобидаги калпротектин миқдорига асосланган ҳолда касаллик фаоллигининг турғунлигини ва асоратлар ривожланиш хавфини эрта башоратлаш беморларни хавф даражаси бўйича стратификация қилиш ҳамда даволаш тактикасини ўз вақтида оптималлаштириш имконини беради. Бу эса бўғимларда деструктив ўзгаришлар ва тизимли асоратларнинг ривожланишини камайтириш, такрорий госпитализациялар ҳамда қиммат диагностик ва реабилитацион тадбирларга эҳтиёжни қисқартиришга хизмат қилади. Натижада даволаш самарадорлиги ошади, меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатлари камаяди ва соғлиқни сақлаш тизими маблағларидан оқилона фойдаланиш таъминланади. Хулоса: Ревматоид артритда қон зардобидаги калпротектин миқдорига асосланган прогноз мезонларини клиник амалиётга жорий этиш касаллик фаоллигининг турғунлигини объектив баҳолаш, бўғим ва бўғимдан ташқари

асоратларнинг ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ҳамда уларни ўз вақтида олдини олиш имконини беради.

Шундай қилиб, калпротектин кўрсаткичларини клиник амалиётга жорий этиш РА нинг фаоллик даражаларини эрта аниқлаш, унинг боришини башоратлаш ва уни бошқариш имкониятлари беради. Бу ўз навбатида, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, касалликнинг ремиссия даврини узайтириш ва ижтимоий фаоллигини тиклаш имконини беради. Хулоса: Ревматоид артрит билан оғриган беморларда калпротектиннинг ўзгариши касалликнинг фаоллик даражаси, кечиши, эҳтимолий оқибатларини башорат қилишда муҳим аҳамиятга эканлигини англатади. Касалликнинг тизимли кечишини, турли деструктив ўзгаришларнинг юзага чиқишини аввалдан кўра олиш ҳар бир беморга индивидуал ёндашиб, даволаш тактикасини ишлаб чиқиш имконини беради. Бу энг аввало бемор ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу илмий тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялари асосий илмий натижаларни нашр этиш учун тавсуя этилган 6 та журнал мақола, шуи жумладан 5 та Республика ва 1 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, адабиётлар шарҳи, тўртта боб, хулосалар, адабиётларнинг рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ревматоид артрит касаллигининг этиопотогенези, унинг турли шаклларда кечиши, хусусиятлари ва уни ташхислашда замонавий ёндашув”** деб номланган биринчи бобида ревматоид артрит этио-патогенези бўйича замонавий ёндашувлар ёритиб берилган. Яллиғланиш ва иммун тизим янги омилларининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган. Шунингдек, Калпротектин, рух ва ўсма некроз омили α (ЎНО-α), шунингдек, ишқорий фасфатаза (остаза) даражасининг ошиши ва ревматоид артрит фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилган. Мавжуд диагностика, даволаш ва профилактика усулларининг

афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган масалалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Ревматоид артрит билан оғриган беморларни тадқиқ этишда қўлланилган текширув материали ва усулларининг тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот дизайни, материал ва усуллари, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш маълумотлари тавсифланган. Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун ревматоид артрит билан оғриган 92 нафар бемор текширувдан ўтказилди, улар икки гурухга бўлинди, 1-гурухни ревматоид артритнинг бўғим шаклига э га бўлган 52 нафар бемор, 2-гуруҳни ревматоид артритнинг бўғимдан ташқари тизимли кечувчи шаклига эга бўлган 40 нафар бемор ва назорат гуруҳини ревматоид артрит ташхиси қўйилмаган 19-70 ёшдаги 28 нафар амалий соғлом шахслар ташкил қилди. Барча беморлар Миллий тиббиёт маркази туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари ва ревматология бўлимида даволанган. Беморларнинг ўртача ёши 47.4±12,3 ёшни ташкил этди. РА билан оғриган беморларда эркаклар ва аёлларнинг нисбати 11% ва 89% ни ташкил этди. Беморлар клиник, лаборатор, иммунологик ва инструментал текширувлардан ўтказилди. Ревматоид артрит ташхиси ACR/EULAR (2010) мезонларига мувофиқ қўйилди. Касалликнинг давомийлиги (1 йилдан кам ва 15 йилдан ортиқ) аниқланди. Ташхис қўйишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинди:

- беморларнинг ёши ва РА касаллигининг давомийлиги;
- моно ёки олигоартрит, бир ёки икки томонлама сакроилеит кўринишида кечувчи бўғим синдроми;
- РАнинг бўғимдан ташқари кўринишлари мавжудлиги.

Бўғим синдромини баҳолашда РАнинг клиник-патологик шакллари ва кечиш босқичлари, шунингдек, DAS 28 бўйича фаоллик индекси аниқланди.

РАнинг бўғимдан ташқари шаклини аниқлаш учун умумий-клиник, биохимик, яллиғланиш, иммунологик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Лаборатор текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олди: умумий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, ўткир фазали синамалар (С-реактив оқсил (СРО), ревматоид омил (РО), циклик ситруллин пептидга (ЦЦПА) антитаналар биокимёвий (аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспартатаминотрансфераза (АСТ), умумий оқсил, билирубин).

Ўсма некроз омили α қон зардобида Rayto RT-2100C Mikroplanshet Reader (Германия) иммунокимёвий электрохемилюминессент анализаторида аниқланди. Калпротектин, ва остеаза таркибини аниқлаш учун Human ELISA Кит, кат. Но ҲУФИ 102585, сезгирлик: <18,75 пг/мл, ўлчов диапазони: 31,25-2000 пг/мл, Fine Test Co., LTd. томонидан ишлаб чиқарилган тўпламлардан фойдаланилди.

Калпротектиннинг инсон зардобидаги миқдорий даражасини баҳолаш мақсадида фермент билан боғланган иммунсорбент таҳлили (ELISA – Enzyme -Linked Immunosorbent Assey) ва консентратсиясини аниқлаш учун махсус тижорат ELISA стандарт тўпламидан фойдаланилди, ўлчаш диапазони: 0,312-

2000 нг/мл, МйБиоСоурсе, Элабссиенсе, Биоассай Течнологй Лабораторй томонидан ишлаб чиқарилган.

Инструментал текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олди: бўғимлар рентгенографияси ва бўғимларнинг ултратовуш текшируви. Қўл ва оёқ бўғимларининг рентген текшируви тўғри проексияда ўтказилди. Қўл ва оёқ бўғимлари шикастланишининг рентгенологик босқичи Штейнброкер бўйича аниқланди. Бўғимларнинг ултратовуш текшируви MINDRAY DC-80 аппаратида амалга оширилди Бунда синовиал мембрана қалинлиги, синовиал суюқликнинг ҳажми ва хусусиятлари, бўғим деформациялари, пайлар ва боғламлар ҳолати, бўғимлар бўшлиғи ва синовиал парда акустик тузилиши таҳлил қилинди.


Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш IBM CPCC Statistiss v.26 дастурида (IBM Corparation) бажарилди.

Бошланғич маълумотларни йиғиш, текшириш, тизимлаштириш ҳамда натижаларни визуализатсия қилиш Microcoft Office Excel 2016 дастури ёрдамида амалга оширилди.

Миқдорий ўзгарувчилар Стюдентнинг т мезони ва сифатли Фишернинг аниқ усули ёрдамида Манн-Уитни мезони ёрдамида таққосланди.

Яшовчанлик Каплан-Маер усули ёрдамида таҳлил қилинди. Фарқ p <0,05 да статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди.


Диссертациянинг **“Ревматоид артрит касаллигининг бўғим ва тизимли ўзгаришлар билан кечишида беморларда кузатиладиган клиник – лаборатор ва биомаркер кўрсаткичларнинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида ревматоид артритнинг ёш кўрсаткичи ва жинси бўйича учраш сони натижалари келтирилган, ревматоид артрит бўғим ва тизимли шакллари билан оғриган беморларнинг умумий тавсифи, умумий клиник ва лаборатор-иммунологик таҳлил натижалари келтирилган.



1-расм. Ревматоид артритда тизимли кечишида потологияларнинг учраши

Тадқиқот натижаларига кўра, ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг 40 нафарида касалликнинг тизимли кечиши қайд этилди. Улар умумий гуруҳга нисбатан 43,4 % ни ташкил қилди. Тахлиллар шуни


кўрсатдики, бўғимдан ташқари намоён бўлишлар ичида сурункали касалликлар камқонлиги энг юқори улушни эгаллаб, 56,1% ҳолатларда аниқланди. Шу билан бирга, ревматоид тугунчалар — 29,2 %, склерит — 7,3 %, лимфаденопатия — 4,9 %, ҳамда тери васкулити — 2,4 % беморларда кузатилди.



2-расм. Ревматоид артритнинг фаоллик даражалари

Изоҳ: * -фарқларнинг ишончлилиги (*- P<0,05; ** - P <0,01; *** - P <0,001).

РА билан оғриган беморларда DAS 28 фаоллик даражалари тахлил қилинганда 1-гуруҳ беморларида паст фаоллик 7,55%, ўрта фаоллик 56,6%, юқори фаоллик эса 35,85% ни ташкил этди. 2-гуруҳда паст фаоллик 7,32%, ўрта ва юқори фаоллик ҳар бири 46,34% ҳолларда аниқланди. Бўғимдан ташқари тизимли зарарланишлар билан кечганда фаоллик даражаси юқорироқ бўлиб, касалликнинг шиддатли кечиши билан тавсифланди.



3-расм. Гуруҳларда циклик цитрулинланган пептидга қарши антитаналар, С-реактив оқсил, ревматоид омилларнинг кўрсаткичлари

Изоҳ: * -фарқлар ишончлилиги (*- P<0,05; ** - P <0,01; *** -P<0,001).

1-жадвал

Ревматоид артритнинг турли шаклларида ўткир фазали яллиғланиш маркерларининг ўзаро коррелятцияси

№	Кўрсаткичлар	1 гуруҳ, n=52	2 гуруҳ, n=40	Назорат гуруҳи n=28	P
1.	Калпротектин	158,9±10,84	292,3±20,39***	54,7±3,12	P 1-2 < 0,001 P 1-3 < 0,001 P 2-3 < 0,001
2.	Остаза	84,6±9,5	127,8±11,54**	30,1±1,24	P 1-2 < 0,01 P 1-3 < 0,001 P 2-3 < 0,001
3.	Рух	0,67±0,09	0,55±0,08***	1,5±0,05	P 1-2 < 0.001 P 1-3 < 0.001 P 2-3 < 0.001


Изох: * p <0.05, ** p <0.01, *** p <0.001

Калпротектиннинг миқдорий кўрсаткичи бўғим шаклида 158,9±10,84 ни, тизимли ўзгаришлар билан кечганда эса 292,3 ± 20,39*** (**p <0.001**) ни ташкил қилди. Бу орқали РАнинг тизимли зарарланиш билан кечганда касаллик бўғим шаклига нисбатан ишончли даражада тафовут ҳосил қилди.

Остаза мос равишда бўғим шаклида 84,6±9,5 ва тизимли зарарланишлар билан кечганда эса 127,8 ± 11,54**(**p <0.01)** қийматларни кўрсатди, бу орқали ишончли датража фарқни юзага чиқишини кузатдик.


Қон зардобидаги рух миқдори ўрганилганда 1-гуруҳдаги беморларда 0,67±0,09 қийматни ташкил қилган бўлса, тизимли зарарланишлар билан оғриган беморларда бу кўрсаткичллар 0,55 ± 0,08***(p <0.001) ишончли пасайганлигини кўрсатди.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра қон зардобидан аниқланган калпротектин ва рух микроэлементининг коррелятсияси хар иккала гуруҳларда солиштириб кўрилганда қуйидагича нитижалар олинди:




4-расм. Қонда рух ва калпротектиннинг корреляцияси. Изох: r- Пирсон корреляция коеффициенти, p-ишончлилик даражаси.

Ревматоид артритнинг бўғим шаклида калпротектин ва рухнинг миқдорий ўзгаришлари, улар орасида кучли манфий корреляцияни кузатиш мумкинлигини кўрсатди (r = -0,550; p<0,001). Калпротектин миқдорининг ортиб боришида, рух миқдорининг камайиши кузатилди.




5-расм. Қонда рух ва калпротектиннинг корреляцияси. Изох: r- Пирсон корреляция коеффициенти, p-ишончлилик даражаси.

Ревматоид артритнинг тизимли ўзгаришлар билан кечувчи шаклида калпротектин ва рухнинг миқдорий ўзгаришлари, улар орасида кучли манфий корреляцияни кузатиш мумкин (r = -0,721; p < 0,001). Калпротектин миқдорининг ортиб боришида, рух миқдорининг камайиши кузатилди. Агар РА хар иккала гурухларини таққосласак, касалликнинг тизимли ўзгаришлар билан кечишида натижалар янада яққол намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин.




6-расм. Калпротектин ва остаза орасидаги боғланиш. Изох: r- Пирсон корреляция коеффициенти, p-ишончлилик даражаси.

РА нинг бўғим шаклида калпротектин ва остаза тўғри боғланишни юзага чиқариб қийматларнинг ортиб бораётган тенденсиясини кўриш мумкин (r=0,500; p<0,001). Улар ўртасида ўртача мусбат корреляция кузатилди.



7-расм. Калпротектин ва остаза орасидаги боғланиш. Изох: r- Пирсон корреляция коэффициенти, p-ишончлилик даражаси.


РА нинг тизимли ўзгаришлар билан кечаётган шаклида калпротектин ва остаза тўғри боғланишни юзага чиқариб қийматларнинг ортиб бориш тенденсиясини кўриш мумкин (r = 0,705; p < 0,001). Улар ўртасида кучли мусбат корреляция кузатилди.



8-расм. Ревматоид артритнинг бўғим шаклида рух ва остаза ўтасидаги корелляция. Изох: r- Пирсон корреляция коэффициенти, p-ишончлилик даражаси.

РА бўғим шакли билан огриган беморларда қон зардобидаги рух ва остаза бир бири билан тескари боғлиқликни юзага чиқариб, қонда остазанинг миқдори ортиб бориш давомида рух микроелементининг камайиб боришини

кузатдик (r = -0,400; p = 0,003). Натижалар ўртача манфий корреляцияни кўрсатмоқда.



9-расм. Ревматоид артритнинг тизимли ўзгаришлар билан кечувчи шаклида рух ва остаза ўтасидаги корелляция. Изох: r- Пирсон корреляция коеффициенти, p-ишончлилик даражаси.

РА бўғим шакли билан огриган беморларда қон зардобидаги рух ва остаза бир бири билан тескари боғлиқликни юзага чиқариб, қонда остазанинг миқдори ортиб бориш давомида рух микроелементининг камайиб боришини кузатдик (r = -0,551; p = 0,001). Натижалар ўртача манфий корреляцияни кўрсатмоқда.

ХУЛОСАЛАР

“Ревматоид артрит билан оғриган беморларда суяк ва тоғай тўқима метаболизми маркерларининг клиник ва диагностик аҳамияти ”мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ревматоид артрит билан оғриган беморларда клиник-лаборатор кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда барча кўрсаткичларда кескин фарқ қилиб ишончли тафовут кузатилди, касалликнинг тизимли зарарланиш билан кечаётган шаклида бўғим шаклига нисбатан асосий кўрсаткичларда (DAS 28, ВАШ, Калпротектин) ишончли фарқлар кузатилди. Бу эса касалликнинг тизимли кечиши бўғим шаклига нисбатан оғир кечишини ифодалайди.

2. Тадқиқот давомида Ревматоид артритнинг бўғим шаклида DAS28 калпротектин билан кучли мусбат (r=0,962; p<0,001), остаза билан мусбат (r=0,472; p<0,001) ва рух билан манфий коррелятсияга (r=–0,598; p<0,001) эга эканлиги аниқланди. Тизимли клиник кечишида ушбу боғлиқликлар янада юқори даражада кузатилиб, DAS 28 билан калпротектин (r=0,963; p<0,001) ва остаза (r=0,612; p<0,001) ўртасида мусбат, рух билан эса кучли манфий коррелятсия (r=–0,761; p<0,001) қайд этилди. Олинган натижалар

калпротектин ва ўткир фазали яллиғланиш маркерларининг РА фаоллиги, тизимли кечиши ҳамда деструктив ўзгаришлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатди.

3. Ревматоид артритда бўғимлар шикастланишининг рентгенологик босқичлари ортиб бориши билан остеаза (суяк ишқорий фосфатаза изоферменти) миқдорининг параллел равишда ошиши кузатилди. Аксинча, қон зардобидаги рух (Zn) консентратсияси босқичма-босқич камайиш тенденсиясини кўрсатди. Касалликнинг тизимли кечишида ушбу ўзгаришлар янада яққол намоён бўлди. Остаза кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 1- гуруҳда таҳминан 2 баробар, 2- гуруҳда эса 3 баробардан ортиқ ошган бўлиб, бу суяк тўқимасида резорбтив ва репаратив жараёнлар фаоллашганини англатади. Рух (Zn) эса 1- гуруҳда деярли 2 баробар, 2- гуруҳда эса тахминан 60% гача пасайганлиги билан тавсифланди. Бу антиоксидант ҳимоя ва тўқима регенератсияси жараёнларининг сусайганини кўрсатади.

4. Олинган натижаларга асосланиб қон зардобида калпротектин миқдорининг ортиши РА клиник белгилари шаклланиб улгурмасдан аввал кузатилиши аниқланди. Тоғай ва суяклардаги потологик жараёнларда эса Остазанинг миқдори Кескин кўтарилиши ва аксинча рух миқдорининг камайиб кетиши аниқланди. Ушбу маълумотларга асосланиб, касалликнинг ҳавф омиллари бор, ҳавф гуруҳига кирувчи шахсларда касалликни эрта аниқлаш мақсадда қўллашни тавсия қилиш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЙДАРАЛИЕВ САИДОЛИМ УМАРАЛИ УГЛИ

КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ МАРКЕРОВ МЕТАБОЛИЗМА КОСТНОЙ И ХРЯЩЕВОЙ ТКАНИ У БОЛЬНЫХ С РЕВМАТОИДНЫМ АРТРИТОМ

14.00.05 – Внутренние болезни

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Академии наук Республики Узбекистан за №B2024.4.PhD/Tib5117.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashmeduni.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Эшмурзаева Аида Абдиганиевна** доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ахмедов Халмурад Саъдуллаевич** доктор медицинских наук, профессор
	Юлдашева Гулчехра Рустамовна доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	**Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр терапии и медицинской реабилитации**

Защита диссертации состоится «____» _____2026 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.06/2025.27.12.Tib.01.02 при Ташкентском государственном медицинском университете (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фараби, дом 2 Тел./факс: (+99878) 150–78–25; e–mail: info@tashmeduni.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном медицинском университете (зарегистрирована, № _____). (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фараби, дом 2 Тел./факс: (+99878) 150–78–14)

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2026 год.

(Протокол рассылки № ___ от «_____» _____ 2026 года)

А.Г. Гадаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), в настоящее время ревматоидный артрит (РА) диагностирован почти у 18 миллионов человек в мире, что составляет в среднем 0,5-1% населения. Данное заболевание занимает первое место среди всех ревматологических болезней по степени поражения суставов. Болезнь протекает с аутоиммунным воспалением, иногда сопровождается системными проявлениями и поражает все органы и ткани, нарушая их функцию. Системное течение заболевания выявляется в 8-13 случаях на 100 000 населения. Что касается распространенности РА в мире, то в Европе и Северной Америке она составляет около 0,6-1%, а в регионах Азии и Африки наблюдается реже — в 0,1-0,3% случаев. Хотя заболеваемость чаще встречается среди населения среднего возраста, она выявляется во всех возрастных группах. РА считается одной из основных причин инвалидности и нетрудоспособности населения, являясь социально-медицинской проблемой в системе здравоохранения. В связи с отсутствием единого этиологического фактора и системным течением РА существует ряд проблем в ранней диагностике и лечении заболевания. В частности, при высокой активности болезни деструктивные изменения в костной и хрящевой тканях начинаются на ранней стадии из-за поражения суставов. Поэтому в последние годы разрабатывается множество новых лабораторных и инструментальных методов для ранней диагностики заболевания и профилактики его осложнений. В патогенезе РА большое значение имеют маркеры системного воспаления: интерлейкины (ИЛ), фактор некроза опухоли (ФНО), Toll-подобные рецепторы. К ним также можно отнести кальпротектин — маркер острого воспаления. Экспрессия кальпротектина служит для определения степени активности и оценки течения заболевания. Кальпротектин отражает воспалительный процесс при РА и коррелирует с клинико-лабораторными изменениями у пациентов. Данный маркер может быть использован в качестве дополнительного критерия для определения степени активности заболевания и предотвращения его осложнений.

Во всем мире большое значение придается изучению состояния маркеров системного воспаления и их связи со степенью тяжести ревматоидного артрита. В частности, в последние годы появляется все больше данных о том, что ИЛ-6, фактор некроза опухоли-α, а также кальпротектин играют важную роль в патогенезе РА. Кальпротектин рассматривается как фактор, стимулирующий воспалительные процессы, и обладает хемотаксическими свойствами в отношении микроорганизмов. Уровень его экспрессии используется для определения активности заболевания и прогнозирования его течения. Эти биомаркеры отражают хронические иммуновоспалительные процессы при ревматоидном артрите и тесно связаны с клиническими и лабораторными показателями пациентов. Повышение уровня биомаркеров системного воспаления коррелирует с активностью артрита, а также с масштабом суставных и внесуставных поражений, и могут служить

дополнительными критериями для диагностики и улучшения исхода ревматоидного артрита. Поэтому изучение таких биомаркеров, как кальпротектин, ФНО-α и щелочная фосфатаза (остаза), является одним из актуальных и приоритетных направлений практической медицины.

Перед системой здравоохранения нашей республики стоит ряд приоритетных задач, направленных на повышение качества медицинского обслуживания населения, в том числе на приведение оказываемых услуг в соответствие с международными стандартами. Проводятся широкомасштабные комплексные мероприятия с целью решения таких задач, как повышение уровня оказываемой в нашей стране медицинской помощи, обеспечение универсальности и доступности медико-социальных услуг, пропаганда здорового образа жизни среди населения, а также внедрение современных методов диагностики и лечения. Наряду с этим, медицинскими работниками принимаются меры по улучшению качества оказания помощи ревматологическим больным.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит реализацией задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 22 января 2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Указе Президента № УП-5124 от 25 мая 2021г. «О мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и Указе Президента №УП-215 от 25 апреля 2022 г. «О дополнительных мерах по доступности первичной медико-санитарной помощи к населению и повышению эффективности оказания медицинских услуг», а также другими нормативно-правовыми актами, относящимися к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан "Медицина и фармакология."

Степень изученности проблемы. В настоящее время существует множество научных исследований, посвященных этиологии, течению и различным формам РА. Течение РА с системными проявлениями усугубляет клиническую картину заболевания и ухудшает его исходы. Данное направление изучалось в нескольких авторитетных научно-исследовательских центрах и институтах мира. Ниже мы приводим имена ученых, которые изучали РА и анализировали течение заболевания: американские ученые E. Minichiyello, L. Semerano, M.S. Boissier изучили глобальные показатели распространенности РА в мировом масштабе путем анализа эпидемиологических данных, доступных в базах Medline и EMBASE. В Швеции такие ученые, как S. Bernatsky, D. Feldman и M. De Civita, изучали общую распространенность РА среди населения. В Российской Федерации О.М. Фомичева, Ю.А. Галушко, Ш.Ф. Эрдес, в свою очередь, изучали клинико-эпидемиологическую ситуацию с заболеванием в стране. Работы И. Рудана, С. Сидху и Папана также посвящены эпидемиологии РА в мировом масштабе.

Корреляционная связь между степенью активности заболевания при РА и уровнем кальпротектина была изучена А.А. Корольковой и ее соавторами (2022). В ходе исследования были изучены степени корреляции кальпротектина с СОЭ, СРБ и суставным доменом композитных индексов. M. Abildtrup, G.H. Kingsley и др. (2015) охарактеризовали кальпротектин как новый биомаркер при РА, представили обзор и описали его значение в прогнозировании заболевания. S.C. Bea, Y.H. Lee (2017) провели метаанализ, посвященный значимости уровня кальпротектина в оценке активности РА. В исследовании, проведенном M. Jarlborg и соавторами (2020), кальпротектин был оценен как перспективный биомаркер для определения активности РА и аксиального спондилоартрита.

Внесуставное системное течение РА, в том числе его влияние на легкие, сердце и систему кроветворения, изучалось во многих центрах. J.A. Gilbert, M.J. Blaser, J.G. Caporaso, J.K. Jansson, S.V. Lynch и R. Knight (2018) изучали снижение функции печени, иммунную дисфункцию, связанную с микробиотой, и влияние воспаления при ревматологических заболеваниях. Л.П. Эспиноза и его соавторы (2020 г.) отметили рост заболеваемости РА среди населения Европы, особенно среди молодых и трудоспособных слоев населения.

